

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"O'zpartamponaj" AJ

Объявление

"O'ZPARTAMPONAJ" AKSIYADORLIK JAMIYATI

АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ТАНЛОВИ

Аудиторлик ташкилотлари диққатига!

«Ўзпартампонаж» акциядорлик жамияти танлов эълон қилади:

«Ўзпартампонаж» АЖ кузатув кенгашининг 2023 йил 6 сентябрдаги 5-сонли баёнига асосан жамият манфаатларига етказилган зарар жумладан жарима, пеня ва бошқа тўловларига ҳамда бошқа тегишли ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида ташаббусли аудит ўтказиш учун мустақил ташкилотларга аудиторлик ташкилотини танлов асосида саралаб учун танлов ўтказиш.

Танловда иштирок этадиган ташкилотларга қўйиладиган талаб:

ўз фаолиятини «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ олиб бориши;

аудиторлик фаолиятини камида 3 йил давомида амалга ошириб келиши;

камида 1 млрд.сўм миқдорида аудиторнинг касбий жавобгарлиги суғуртасининг мавжудлиги;

ўз ходимлари рўйхатида Молия вазирлиги томонидан берилган аудиторлик малака сертификатига эга, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари, халқаро аудит стандартлари бўйича зарурий бухгалтерлик, аудиторлик малакасига эга, халқаро молиявий ҳисобот стандартлари соҳасида аудит ва шунга мос маслаҳат хизматларини кўрсатиш билан шуғулланувчи, халқаро тан олинган сертификатларга (CPA, CIPA) ҳамда 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга мутахассилар мавжуд ташкилотлар.

Танлов таклифи муҳрланган конвертда, ташколот муҳри билан тасдиқланган ва йўлловчи хат билан бириктирилган ҳолда тақдим этилиши зарур ва қўйидаги ҳужжатлардан иборат бўлиши шарт:

танлов иштирокчисининг хизматлари нархи кўрсатилган ҳолда танловда иштирок этиш таклифи, тўловни амалга ошириш тартиби;

ташкилотга тегишли бўлган маълумот, шу жумладан давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

аудиторларнинг малака сертификат ва халқаро сертификатлар нусхаси;

суғурта полиси нусхаси.

Аудиторлик текшируви ўтказиш учун таклифлар тақдим этиш муддати 20 сентябр 2023 йил соат 17.00га қадар индекс 200900, Бухоро вилоят, Қараулбозор туман, Қарши шоссеси манзили бўйича қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш бўйича тижорат таклифларларини ёпиқ ва елимланган конвертда қўрсатилган манзил бўйича почта орқали ёхуд жамият девонхонасига шахсан етказишлари зарур.

Танлов ўтказиш санаси 2023 йил 21 сентябрь соат 11.00да.

Маълумот учун телефон: + 998 99 4197586 (А.Махмудов)

15.09.2023

Источник: <https://openinfo.uz/ru/announce/16270/>

Дата: 25.06.2026